


Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон Президентига мактуб йўллади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлариға

Жаноби Олийлари,

Мен Сизга ўзимнинг шахсий саломимни ва Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ажойиб ҳамкорлик учун миннатдорлигимни [етказмоқчиман](#).

Мамлакатингиз ва минтақангиз COVID-19 инқирози ва унинг оқибатлари муносабати билан қандай қийинчиликларга дуч келаётганига қарамай, Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни умумий қадриятлар асосида алоқаларимизни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратишда давом этаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Барқарорлик ва фаровонликнинг асосий элементлари сифатида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш бўйича эътиборингизни мамнуният билан қабул қиласиз.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси билан яқин мулоқотни давом эттиришга қатъий қарор қилганини яна бир бор тасдиқлашга ижозат бергайсиз. Биз келгуси даврда муносабатларимизни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратадиган янги кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокара жараёнларини якунлашдан манфаатдормиз.

Табиийки, биз ҳам 2021-2027 йилларга мўлжалланган Европа Иттифоқининг янги молиявий воситасининг навбатдаги дастур цикли доирасида ўз ҳамкорлигимизни давом эттиришга тайёрмиз. Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз мамлакатингиз атроф-муҳитни тиклаш ва яшил иқтисодиётга ўтишни қўллаб-

құвватлаши мүмкін. Иқлім үзгариши, шу жумладан, Орол дәнгизи мінтақаси мұаммоларини ҳал қилиш бүйіча сизнинг ташаббусларингизни алоқида қызықиши билан қайд әтдім.

Шунингдек, мінтақавий масалаларга тұхталсак, инқироз даврида мінтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бүйіча Сизнинг ташаббусларингиз ва раҳбарлигингиз үчүн миннатдорлигимни билдиromoқчиман. Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг бутун Марказий Осиёда, шу жумладан, Афғонистонда ҳамкорлик, хавфсизлик ва барқарорликни ривожлантиришга қаратилған саъй-харакатларини илиқ кутиб олади. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бүйіча стратегияси мінтақавий ҳамкорликни ривожлантириш үчүн мустаҳкам асос яратади.

Мен Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бүйіча маҳсус вакили, элчи Питер Буряндан ҳукуматингиз билан яқында бўлиб ўтадиган Ўзбекистонга ташрифи чоғида мінтақавий ва икки томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш үчүн муҳим соҳаларда мухокама қилишларини сўрадим.

Мен келажакдаги алоқаларимизни интизорлик ила кутаман, бу шубҳасиз, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш бүйіча таклифларни мухокама қилиш үчүн имконият яратади.

Самимият ила,

Шарль Мишель,

Европа Кенгаши Президенти